



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘ I

2021 yil “08” 09

№ 220

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги 507-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 507-сон қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 августдаги “Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформасини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 507-сон қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари 1146 қисқа рақамли “ишонч телефони”га тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан мулоқот қилиш ва шошилиш руҳий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш масалалари бўйича келиб тушган мурожаатларга 24 соат ичида тезкор муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйсин;

“Aziz-ayol.uz” ягона интерактив миллий платформа орқали тиббий маслаҳат сўраб қилинган онлайн мурожаатларни қабул қилиб, зарур маслаҳатлар доимий равишда бериб борилишини таъминласин.

3. Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бошқармаси (М.Садиков) ҳамда Тиббий статистика ва истикболни аниқлаш бошқармаси (З.Муталова) эрта туғруқлар ҳақидаги статистик маълумотларни платформага ҳар ойда юклаб борилишини таъминласин.

4. Аҳолини соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаолликни ошириш маркази (Б.Одилова) тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи маълумотлар ва видеоматериалларни платформага ҳар ойда юклаб борсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари Э.Баситханова зиммасига юклатилсин.

Вазир

А.Хаджибаев